



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҚОЗОҒИСТОНГА КЕЛДИ

Остона, 22 март. ЎЗА махсус мухбири А.САМАДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг таклифига биноан 22 март куни давлат таширифи билан Остона шаҳрига келди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат байроқлари билан безатилган Остона халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Республикаси Бош вазири ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Таширининг асосий воқеалари 23 мартта белгиланган. Олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилиниши, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилиши мўлжалланган.

Президентимиз таширифи доирасида Остона шаҳрида Ўзбекистон Миллий санат кўргазмаси, икки мамлакат ишбилармон доираларининг нуфузли делегациялари иштирокида бизнес-форум ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг таширифи якунлари бўйича давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро бир қатор муҳим ҳужжатлар, Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган салмоқли шартномалар имзоланиши режалаштирилган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Сиз билан учрашувимиз самарали бўлганидан ғоят хурсандман, мента ва ҳамкасбларимга кўрсатилган самимий ҳурмат учун Сизга ва Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдираман. Ўзбекистондан қайтар эканман, мен ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистон билан банкимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичи бошланганини қўллаб-қувватлашимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Сиз ЕТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантиришга тайёр эканингиздан миннатдорман. Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакат ва унинг халқи манфаатларига хизмат қиладиган, имкониятларни янада кенгайтириш ва тараққиётни таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга тайёрман. Сизнинг раҳнамолигингизда ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ЕТБнинг қўллаб-қувватлов йўналишлари билан ҳамоханг. Стратегияда демократик жараёнлар ва фуқаролик жамиятини мустақамлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ишбилармонлик муҳити ва қонун устуворлигини такомиллаштириш, шунингдек, қўшни давлатлар билан муносабатларни янада ривожлантириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидламоқчимиз.

Мен ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари О.Раматов имзолаган Англашув меморандумида қисқа муддатта мўлжалланган ҳамкорлигимиз акс этган. Шу давр ичида ҳукуматингизнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда ЕТБнинг мамлакатда доир ўрта муддатли стратегиясини биргаликда ишлаб чиқамиз. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ва банк секторини қўллаб-қувватлаш, тезкор самарадорликка эришиш учун инвестиция муҳити янада яхшилаш бўйича инвестицион, техник ва маслаҳатлашув лойиҳаларимизни қисқа фурсатларда ишга туширишни сабрсизлик билан кутамиз. Шу билан бирга, коммунал хизматлар, инфратузилма, энергетика ва бошқа соҳаларда узоқ муддат тайёргарликни талаб этадиган лойиҳаларни ҳам ишлаб чиқамиз.

Учрашувимиз чоғида таъкидлаганимдек, Ўзбекистон Стратегияда қайд этилган кенг қўламли ислохотлар дастурини амалга ошириши жараёнида ҳамкорлигимиз янада кенгайишига ишончим комил.

Лондонга борганимдан сўнг Директорлар кенгашига учрашувимиз ҳақида сўзлаб бераман ва яқин вақтларда Ўзбекистонга яна келиш ва Сиз билан учрашганини кутиб қоламан.

Самимият билан,

Сума ЧАКРАБАРТИ,
Европа тикланиш ва тараққиёт
банки президенти.

Қувончли ва ғалабага ундовчи воқеа



СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Наврўз байрами арафасида Бухоро вилоятидаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг спорт билан мунтазам шуғулланаётган ўқувчи қизларига Президент совғаси — спорт либослари топширилди.

Бухоро шаҳридаги «Хумо» мажмуасида ташкил этилган шундай тadbирлардан бирида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Абдуллаев ва бошқалар мамлакатимизда ёшлар, хусусан, қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни спортга кенг жалб этиш орқали

жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялашга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Бугунги кунда вилоятдаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган қизларнинг 13 минг 860 нафардан зиёди спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. «Хумо» спорт мажмуасида доимий шуғулланаётган 450 нафарга яқин қизга Президент совғаси — спорт либослари топширилди. Улар орасида турли халқаро мусобақалар голиблари ҳам бор.

— Президент совғаси мамлакатимизда ёшлар камолотига кўрсатилаётган доимий эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир, — дейди бадий гимнастикачи Жасмина Аҳтамова. — Мен 2016 йили Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро турнирда голиб бўлдим. Жорий йилда бундан-да юксак марраларни кўзлаганман.

Тadbирда ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди, қўй-қўшиқлар янгради.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎЗА мухбири.

Фармон ва ижро

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Инсон саломатлигини асраш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини янада ошириш, аҳолига тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш соғлиқни сақлаш тизмини олдида турган муҳим вазифалардандир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, халқимизни рози қилиш учун, аввало, аҳолининг сифатли тиббий хизматга бўлган талабини қондириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 январь ва 7

февраль кунлари соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан учрашувларида тизимдаги мавжуд ҳолат қучур танқидий таҳлил этилиб, муаммоларни ҳал этиш йўллари белгилаб берилди.

Президентимизнинг 2017 йил 16 мартдаги «Шошили-нч тиббий ёрдамни янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони тиббиётнинг муҳим бўлини бўлган шошили-нч тиббий ёрдам тизимидаги ислохотларни давр талаби ва аҳоли эътиҳидан келиб чиқиб янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолига шошили-нч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўзига хос инфратузилма яратилди. Республика шошили-нч тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоятлардаги

филиаллари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари қошидаги бўлимлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги тез тиббий ёрдам хизмати станциялари ва санитар авиация хизмати халқимиз саломатлиги йўлида фаолият юритаётди.

Шошили-нч тиббий ёрдам тизимида йилига 600 мингдан зиёд беморга юқори маълумотлиқ ва тез тиббий ёрдам ортиқ беморга амбулатор ёрдам ҳамда 7 миллиондан зиёд қақриқ бўйича хизмат кўрсатиламоқда.

► Давоми 3-бетда.

Байрам шукуҳи

ИНСОН ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИ

«Баркамол авлод» Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида ўтказилган Наврўз байрамида ўқувчилар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, сахна кўри-нишларида инсон ва табиат ўртасидаги муштараклик талқин этилди.

— Инсон — табиатнинг ажралмас бир қисми, — дейди «Баркамол авлод» Республика болалар ўлкашунос-лик ва экология маркази директори Лола Ешмирова. — Шунинг учун ҳам она табиатни асрашимиз, унга меҳр ва эътибор билан ёндаши-шимиз зарур. Чунки атроф-муҳитга ет-казилган ҳар қандай зиён бу аввало инсониятнинг ўзига етказилган зарар-дир. Ушбу ҳақиқатни фарзандларимиз онига синдиришимиз, уларда таби-атга меҳр уйғотишимиз зарур.

— Наврўзда сумалак пишириш ода-ти неча асрлардан буён давом этиб келмоқда, — дейди тўғарак раҳбари Садоқат Рўзикулова. — Қадимий ва шиғобаш бўлган сумалакнинг ҳам ўз тарихи бор, албатта. Шуниси эътибор-лики, сумалак кўни-қўшни, қариндош-



уруғ, умуман, кўпчилик иштирокида тайёрланади ва бу жараёнда одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат янада мустаҳкамланади.

Тadbирда марказ ўқувчилари томонидан яратилган Наврўзга оид маро-симлар, халқ сайиллари ифода этил-ган қўллаб рангтасвир ва графика асарлари намойиш этилди.

— Ўқувчиларимизга Наврўз арафа-сида чиқадиган шиғобаш ўсимликлари, улар ҳақида пайдо бўлган ривоят ва

афсоналар тўғрисида маълумотлар бе-ришга интиламиз, — дейди марказ-нинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Хай-риддин Бойиров. — Халқ урф-ода-лари ва аънавлари ўқувчиларнинг маъ-навий оламини бойитиб қолмасдан, уларда миллий қадриятларимизга ҳур-мат ҳам уйғотади.

Мавжуда ҲАЙИТОВА,
ЎЗХДП фаоли.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2017 йил 22 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи маж-лисини шу йилнинг 28-29 март кунлари Тошкент шаҳрида қақриш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг тўққизинчи ялпи мажлиси кун тартибига мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳа-ларини босқичма-босқич ислох қилишга ҳамда эркинлаштиришга, 2017-2021 йил-ларда Ўзбекистон Республикасини ривож-лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини рўёбга чиқаришга доир Давлат дастурини Халқ би-лан мулоқот ва инсон манфаатлари йили-да ижро этишга қаратилган Ўзбекистон Рес-публикасининг бир қатор қонунлари кири-тилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Консти-туциясига ўзгартишлар ва қўшимча кири-тиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республи-каси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунига, «Ўзбекистон Рес-публикасининг Фуқаролик процессуал ва Ҳўжалик процессуал кодексларида ўзгар-тиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини таъ-минлашга доир қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатла-рига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси-нинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда ялпи мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили-нинг (Омбудсманнинг), Ўзбекистон Респу-бликаси Ҳисоб палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзе-бекистон Республикаси ички ишлар вазири-нинг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботларини эшитди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Сенатининг ваколати-га қирадиган бошқа масалалар ҳам муҳо-кама этилади.

Тўққизинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан Олий Маж-лис Сенати қўмиталари ва девони фаоли-ятини мувофиқлаштириш учун тегишли ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати.

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ

сессияда кўриб чиқилди

Депутатлар аҳоли хонадонлари, мактаб, коллеж, тиббиёт муассасала-ри, меҳнат жамоаларида бўлиб, ҳақиқий аҳвол билан яқиндан танишиб чиқишди.

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ сессияда кўриб чиқилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари ҳар ойда шаҳар ва туманларда аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ўтказмоқда. Жойлардаги ҳақиқий аҳвол, ҳокимият идоралари, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолияти пухта ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда, шу асосда тегишли ҳужусалар бериб бориляпти. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат раиси иштирокида тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига кириштириб таътиби ҳам кенг жорий этилмоқда.

Парламент аъзоларидан таркиб топган ишчи гуруҳ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўрганилди. Депутатлар аҳоли хонадонлари, мактаб, коллеж, тиббиёт муассасалари, меҳнат жамоаларида бўлишиб, ҳақиқий аҳвол билан яқиндан танишиб чиқишди. Муаммоларни ҳал этиш, тараққиёт режаларини амалга ошириш юзасидан ўз мулоҳазалари, таклифларини билдиришди. Шунингдек, туман аҳолиси, тадбиркорлар, фермерлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳамда фаоллари билан учрашувлар ўтказилди.

— Учрашувлар давомида ҳудудда «Назарон», «Бештом», «Қипчоқ», «Тўлқин», «Чойқул», «Киличбой», «Хизир эли», «Олмазор»,



«Гулзор», «Дўстлик» фуқаролар йиғинларидаги 200 дан ортиқ хонадонда тўғридан-тўғри мулоқот олиб борилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Салаватдин Худайбергенов. — Жойларда ечимини кутаётган масалалар юзасидан фуқароларнинг фикрлари эшитилди. Шунингдек, мулоқот доирасида 135 озғак мурожаатлар тушди. Уларни ижобий ҳал этиш бўйича фаол иш олиб борамиз.

Шу кунги депутатлар билан суҳбатлашганимизда, улар халқ депутатлари туман Кенгаши фаолиятини такомиллаштириш, депутатларнинг сайловчилар олдидаги маъсулиятини, партия гуруҳлари, доимий комиссияларнинг ташаббускорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммоларни Кенгаш йиғилишларида тизимли равишда муҳокама қилиб бориш зарурлигини таъкидлашди. Депутатлик назоратини кучайтириш ва уларнинг сайловчилар билан ишлаш жараёнини янада яхшилаш кераклиги

айтиб ўтилди. Демак, ушбу масала бугун кун тартибидagi энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

— 5-Беруний сайлов округидан сайланганман. Худудда 3000 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Салаватдин Худайбергенов. — Учрашув чоғида қора мол, парранда, қуён боқиш, балиқчиликни ривожлантириш бўйича кредитлар олиш, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш масалалари кўтарилди. Биз нафақат ҳудудда учраётган муаммоларни ўргандик, балки уларни ҳал этиш юзасидан аҳолининг фикрларини эшитдик. Туманимиздаги 7 та қишлоқ врачлик пунктини поликлиникага мослаштириш, дорихоналар ташкил қилиш ва ҳар бир поликлиникани биттадан тез ёрдам автомашинаси

билан таъминлаш ишлари тез кунда ўз ечимини топади.

Туманни ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқилди. Сессияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, парламент аъзолари, Жўқорғи Кенгес депутатлари, корхона-ташкilotлар раҳбарлари иштирок этди.

Танқидий таҳлиллар асосида тегишли қарор қабул қилинди. Унга кўра, аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган барча муаммоларни ўрганилиши ва мутасадди ташкилотлар иштирокида босқичма-босқич ҳал этилиши юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Мажиддин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ



Навоий вилоятдан сайланган Сенат аъзолари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Навбахор туманида бўлиб, аҳоли билан мулоқотлар ўтказди. Халқ вакиллари маҳаллаларда уйма-уй юриб, одамлар билан очиқ суҳбатлар уюштиришди, уларни ўйлантираётган муаммолардан яқиндан хабардор бўлишди.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Аксавли Тумишова дастлаб тумандаги таълим муассасаларининг ҳолатини ўрганди. 23-умумтаълим мактабига кириб борганимизда соат тахминан 8 дан 40 дақиқа ўтаётган эди. Бизни мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Чарос Қулматова кутиб олди.

Мазкур таълим муассасасида 395 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Ўрганиш жараёнида мактабда ўқувчилар учун яратилган шароитлар қониқарли даражада эмаслиги маълум бўлди. Мисол учун, физика-кимё хоналарида лаборатория жиҳозлари етишмайди. Спорт зали таъмирталаб аҳволда келиб қолган, том қисман чакки ўтади. Шу боис бошланғич синф ўқувчиларининг бир нечтаси шаҳардаги мактабларга қатнашга мажбур бўлган.

Тумандаги 2-умумтаълим мактабиди ҳам шароит замон талабларига жавоб бермайди.

4-мактабгача таълим муассасасида болалар учун қулайлик яратиб берилмаган. Моддий-техник база яхши эмас, биноси таъмирталаб аҳволда.

— Бугунги кунда туманда мактабгача ёшдаги болалар сони 7500 нафарни ташкил этади, — дейди

Мулоқотлар давомида 10 нафар фуқаронинг ишга жойлашиш, 300 хонадонга суюлтирилган газ баллонлари етказиб бериш ҳақидаги мурожаатлар ҳал этилди.

Аксавли Тумишова. — Мактабгача таълим муассасаларида 1345 ўрин бўлиб, уларга 740 нафар бола қатнамоқда. Биз бу масалаларни атрофлича таҳлил қилгандан сўнг, мутасадди ташкилотлар билан бирга уларни босқичма-босқич ҳал этиш чораларини кўрамиз.

Эртаси кун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Аҳад Аҳмедов билан боғландик. Депутат билан туман марказида кўришдик. Йўл-йўлак туманда амалга оширилаётган бунёдкор-

ликлар, қурилишлар ҳақида суҳбатлашдик. Янгиланган лойиҳалар асосида арзон нарҳдаги уй-жойлар қурилиши жадал олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик.

«Қалқонота» маҳалласида яшовчи Эркин Кенжаев иссиқхона ташкил қилибди. Иссиқхона таянчлари полипропилен қувурлардан ясалган. Хонадон эгасининг айтишича, бундай қувурлар темирга нисбатан бир неча баравар арзонга тушаркан. 1 сотих жойда қулундай етиштиришни ният қилган тадбиркор йилига 4 марта ҳосил олиш имкони борлигини айтди. Даромад эса ўртача 10 миллион сўмни ташкил қилади.

Депутат хонадон соҳиби билан ишни янада ривожлантириш, муаммоларни қандай ҳал этиш масаласида қизгин суҳбат қурди.

Парламент аъзолари тумандаги 359 хонадонда бўлиб, уларнинг қизиқишлари, таклифларини ўрганишди.

Маълум бўлишича, ҳудудда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасида муайян камчиликлар борлиги ойдinлашди. Шунингдек, тумандаги ички йўллар-

нинг ҳолати ҳам аҳоли норозилигига сабаб бўлмоқда. Мулоқотлар давомида 10 нафар фуқаронинг ишга жойлашиш, 300 хонадонга суюлтирилган газ баллонлари етказиб бериш ҳақидаги мурожаатлар ҳал этилди. Ўз ишини йўлга қўймоқчи бўлган 68 фуқарога тижорат банкларида жами 334 миллион сўмлик кредит олишда ёрдам кўрсатилди.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Электорат манфаати

БАНК КРЕДИТЛАРИ

аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим ўрин тутди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши «Алоқабанк» акционерлик тижорат банки вилоят филиали билан ҳамкорликда Самарқанд туманида «Аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилашда кредитлаш тизимининг аҳамияти» мавзусида семинар ўтказди. Унда партия вилоят кенгаши ҳамда банк масъул ходимлари иштирок этишиб, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритишди.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида эътибор туфайли, кўпгина соҳалар, жумладан, чорвачилик, асаларчилик билан шуғулланиш, иссиқхона барпо этиш, хунармандчилик ва замонавий хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга иштиёқманд йигит-қизлар кўпайиб бормоқда, — деди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Ҳабибулло Тиркашев. — Уларни қўллаб-қувватлаш, йўл-йўриқ кўрсатиш партияимизнинг асосий мақсадларидан ҳисобланади. Тижорат банклари билан биргаликда тадбирлар ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, микрокредитлар ажратишда кўмаклашиш партияимизнинг



Сайловолди дастурига тўла мос келади. Бугунги тадбир айнан шундай вазифаларнинг амалга оширилишида катта аҳамиятга эга. Бундай ҳаракатлар манзилли ижтимоий химояни амалга ошириш механизми бўлиб, ёшлар, хотин-қизлар ва кўп болали оилаларни ташаббус кўрсатишга ундайди, бизнес ғоялар рўёбга чиқиши учун ҳаракатни кучайтиради.

АТ «Алоқабанк» Самарқанд филиали вакили Алишер Мирзаев хонадонларни ўрганиш ва аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, тақдим этилган лойиҳаларни ўз вақтида кредитлаш, янги иш ўринлари яратиш борасида банк муассасаси томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Таъкидланишича, банк ходимлари тумандаги ўн қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги 27 маҳалла аҳолиси билан мулоқот ўтказишган. Барча маҳалла идораларида тадбиркорлар бурчаги ташкил қилиниб, улар тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва банк кредитларидан фойдаланиш тартиблари ҳамда давлатимиз томонидан яратилиб берилган имтиёзлар хусусидаги маълумот ва ахборотлар акс эттирилган стендлар билан тўлиқ таъминланган.

Тадбир давомида йиғилганларга соҳа мутахассислари томонидан бугунги кунда ўз мустақил фаолиятини бошлаш истагида бўлганлар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар, шарт-шароитлар, бошланғич

сармояни шакллантириш, улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, бизнес ғояни молиялаштириш, микрокредитлар олиш қоидаларига оид тушунчалар, бизнес-режалар тузишда кўмаклашиш юзасидан зарур йўналиш ва маслаҳатлар берилди, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйётганларга банк сертификатлари топширилди.

Тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида банк кредитларини олиш бўйича сертификатларга эга бўлган Исроиля Бокиев, Тўхтасин Абдиев, Матлуба Бобонова, Маъруф Каримов каби фуқаролар мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кредитлар ажратиш борасидаги ишлардан

мамнун эканликларини таъкидлашди.

— Ўзоққа бормай, ўз хонадонимда меҳнат қилиш, тадбиркорликни йўлга қўйиш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман, — деди Амри Хўжанов. — Кўпдан буюн ҳовлимда иссиқхона ташкил этишни режалаштириб юрардим. Аммо маблағим етишмаслиги боис, орзум орзулигича қолиб келаётганди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши вакиллари бу борада менга тўғри йўналиш беришди. Уларнинг ёрдамида банк кредитига эга бўлдим. Ана энди кишин-ёзин ҳовлимда турли хил кўкатлар, помидор, бодиринг, лимон етиштиришни йўлга қўяман.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси манзилли ижтимоий химояни амалга оширишда, мамлакатда меҳнатга лаёқатли аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иқтисодий фаоллиги ва ташаббускорлигини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда, — деди Алишер Абдураимов. — Шу боис ҳам мазкур партияга эргашамиз, унинг ғояларига хайрихоҳмиз. Мен партия кўмагида тадбиркорликни йўлга қўйиш учун банк кредитига эга бўляпман. Бугун унинг сертификати кўлимда. Энди чорвачилик билан шуғулланаман. Ўйлайманки, банкдан ажратилаётган бошланғич маблағ ишларимнинг юришиб кетишига йўл очади.

Тадбир савол-жавобларга бой бўлди. ЎзХДП вилоят кенгаши ва АТ «Алоқабанк» вилоят филиали масъул ходимлари берилган саволларга жавоб қайтаришди.

Абдураул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори ташаббуси билан «Ижтимоий химоядан — ижтимоий фаоллик сари» лойиҳаси асосида Ўзун қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежиди меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Меҳнат ярмаркасида хотин-қизлар ишли бўлди

Унда дастлаб Ўзун туман партия кенгаши раиси Ибодулло Мусурмонов, «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Мастура Мамуржонова, туман бандлик кўмаклашиш маркази раҳбари Асрор Содиков коллежнинг ўқитувчи ва ўқувчилари, ҳудуддаги вақтинча ишсиз хотин-қизлар, электорат вакиллари меҳнатга оид қонунчилик ҳақида атрофлича тушунтириш берди. Ярмаркада 132 ташкилот 588 бўш иш ўрни билан қатнашди.

Ярмаркага келган 200 нафарга яқин хотин-қиз мутахассислар ҳуқуқий маслаҳатлар беришди. Хар бир хотин-қиз тўғрисида тўлиқ маълумот акс эттирилган шахсий сўровномалар тўлдирилди. Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган битирувчи қизлар аниқланди ва уларнинг рўйхати шакллантирилди.

Касаначилик меҳнати, оилавий бизнес ва яққа тадбиркорлик билан шуғулланишга хоҳиши ҳамда малакаси бор хотин-қизлар керакли тавсияларга эга бўлди. Ўз ишини бошламоқчи бўлган 6 нафар қизга тижорат банкларида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. 20 нафар битирувчи ишга жойлашиш учун йўланмалар берилди.

Нилуфар ШАЙМАНОВА,
ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши сектор мудири.

Депутатлар аҳоли хонадонлари, мактаб, коллеж, тиббиёт муассасалари, меҳнат жамоаларида бўлиб, ҳақиқий аҳвол билан яқиндан танишиб чиқишди.

МИРИШКОРДА НАВРЎ САЙЛИ

Қарши чўлидаги Миришкор тумани аҳли Наврўзни янги-янги режалар, мақсадлар билан кутиб олди

Наврўз сайлида илк суҳбат-дошим «Янгиобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нортж Умаров бўлди:

— Биз туркманлар қадим-қадимдан ўзбек, араб, тожик ва бошқа миллат вакиллари билан дўст-иноқ яшаб келаямиз. Тўйимиз, орзу-умидларимиз муштарак. Яқинда мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга давлат ташрифини телевизор орқали ҳаяжон билан кузатдим. Қўшни давлатда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов хотирасига ёдгорлик ўрнатилганига роса қувондим. Наврўз кўнралида азалий дўстлигимиз, ҳамкорлигимиз абадий бўлсин, деб юрак-юрақдан ният қилдим. Барча юртдошларимизни баҳор байрами билан қўтлайман...

Чўлга баҳор эрта келади. Илк бор Наврўз сайли қирлар бағрида ўтаётган экан. Юқоридаги суҳбатимиз туркман элининг қайвонилари қўрқовида, турли баҳор таомлари тортилган дастурхон устида бўлиб ўтаётган эди. «Янгиобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нортж Умаров бугунги байрамда 15 нафар эҳтиёжманд оилага қўмак берилгани, 5 нафар боланинг сўнат тўйи ўтказилаётгани ҳақида ҳикоя қилади.

— Қўшимча қувонч чексиз, — дейди меҳнат фахрийси **Уйғун Примов**. — Қайвониларга раҳмат, набирам Ойбекжоннинг сўнат тўйини ўтказиб беришарди. Илоҳим, дилимизни, элимизни меҳроқибат, саховат тарқатмасин...

— Ўзбек, туркман, рус, татар ва бошқа миллат вакиллари билан дўст-биродар, аҳил яшаб келаямиз, — дейди «Жейнов» ҚФ раиси, **ЎзХДП** фаоли **Рўзбой Тошев**. — Қаранг, қандай бепеён макон. Ўзбекистонимизнинг бағри бундан-да кенг ва меҳрга тўла. Бошқа элатлар қатори биз женовлик араблар ҳам тенглар ичра тенгимиз, бахтимиз, тўқ-фаровонимиз. Инсонга яна нима керак? Қаранг, одамларнинг юз-қўзида, гап-сўзида алоҳида фарқ борми? Йўқ, барчамиз шу улғур юртининг фуқаросимиз. Менинг умр йўлдошим Матлуба Тўраева китоблик, ўзбек, ҳозир икки нафар фарзандимиз бор. Менинг ўзим фермер хўжалиги раҳбариман, 90 гектар ерда деҳқончилик қиламиз.



Наврўз байрами арафасида Навоний шаҳрида лойиҳа қиймати 14 миллиард сўм бўлган 3 та кўп қаватли уй эгаларига топширилди.



Байрам тухфаси

— Ушбу уйланинг қурилиш-монтаж ишлари «Зарафшон пром инвест» МЧЖ томонидан амалга оширилди, — дейди **Навоний шаҳар ҳокими ўринбосари, ЎзХДП** фаоли **Абдукаҳҳор Саломов**. — Қурувчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли оилалар замонавий турар-жойга эга бўлди.

— Наврўз байрамнинг қадами кўтлуг келди, — дейди янги хонадон соҳибаларидан бири **Нигора Раҳматова**. — Шундай уйда яшашни орзу қилардим. Мана, ниятimgа етдим. Уйимиз файзли, шинам, энг муҳими, барча қўлайликларга эга.

Ўз мухбиримиз.



Ишимиз яхши. Ўтган йили шартнома режасидан 40 фоиз ошириб пахта топширганамиз учун мукофотга «Каптив» машинаси берилди. Мана, бу ранго-ранг гиламларни ким тўқиган дейяпсизми? Ҳа, чеварларимиз-да! Бу — араби гилам. Тўла йигирилган жундан тўқилган. Биттасини 700-800 минг сўмдан сотиш мумкин. Кўп жойдан, масалан, Бухородан келиб, харид қилишарди. Хунармандлар кўпми дейяпсизми? Албатта, аёлларимизнинг бари чевар. Рафкам Матлубахон ҳам гилам тўқийди...

— Минг шукр, турмушимиз яхши, — дейди **уй бекаси Холита Шомуродова**. — Президентимизга раҳмат, тинмай ғамхўрлик қиларди, арзон уйлар қуришга кўрсатма берапти. Оиламиз билан ўтган йили намунали уйлاردан бирига кўчиб кирдик. Қўшим, туркман аёли Сайёра Хотамова билан иноқимиз, бугунги сайлга ҳам бирга чиқдик.

— Қаранг, қандай ажойиб халқимиз бор, — дейди **Миришкор туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари Навбахор Нурғидиева**. — Туманимиз аҳолиси 112 минг кишидан зиёд, шундан 55 мингини хотин-қизлар ташкил қилади. Улар орасида турли касб эгалари бор. Масалан, 1000 дан ортиқ аёлларимиз яққа тартибда фаолият кўрсатапти. Тадбиркорлик, уй

хунармандчилигини ривожлантиришда бу низоғда муҳим. Янги ҳокимимиз эҳтиёжманд оилалар фарзандларидан 10 йигит-қизнинг никоҳ ва 40 боланинг сўнат тўйини алоҳида ўтказишни таклиф қилди. Ҳозир шунга тайёргарлик кўраяпмиз. Бу яхши ният Наврўз нафаси кезиб юрган кўтлуг кўнларнинг бирида амалга ошарди...

Ҳа, байрам сайлда кўпчилик туман етакчиси ўзгаргани, унинг ниятлари, ўзларининг орзулари ҳақида гапирар эди. **ЎзХДП** туман кенгаши раиси **Ўткиржон Усмонов** сайилгоҳни айлантириб, туман аҳли, фаоллари турли касб эгалари билан таништирди. Асли касби қурувчи бўлган **Ўткиржон** туман бош меъмори, сув таъминоти идораси бошлиғи бўлиб ишлаган, бир йилдан буён партиямиз етакчиси.

Шу йилнинг 2 март куни халқ депутатлари **Миришкор** туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Қашқадарё вилоят ҳокими **Зафар Рўзиев** кўлга киритилган ютуқлар, йўл қўйилган қамчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида гапириб, туманга **Равшан Комиловни** ҳоким этиб тайинлади. Бугун орадан ўн беш кун ўтиб, янги ҳоким **Наврўз** сайлини уюшқоқлик билан ўтказмоқда. Илгари уйингоҳда ўтадиган тадбир илк бор қир-адирлар бағрига кўчирилди.

— Мен сессияда қатнашдим, — ҳикоя қилади **Қашқадарё вилоят уруғчилик инспекцияси бошлиғи, Миришкор туман Кенгашидаги ЎзХДП** гуруҳи аъзоси **Азамат Сариков**. — Қамчиликлар ҳам, ютуқлар ҳам очик айтилди. Биласизми, **Равшан Комиловни** анчадан буён танийман. Бир пайтлар у **Шахрисабзда**, мен чўлда хўжалик раҳбари бўлганмиз. Кейин у Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида масъул лавозимларда меҳнат қилди. Ўтган йили, Чирокчи туманида ҳоким бўлиб турганида бордим. Рост, обод бозор, кўркам истироҳат боғи ва бошқа яхши ишларни кўриб ҳавас қилгандим. Мана, энди Қарши чўлидаги йирик, аммо иқтисоди анча

унумдорлигини ошириш, сув таъминотини яхшилаш, иссиқхоналар, янги саноат корхоналари қуриш, чорвачиликни ривожлантириш борасида ўнлаб муаммоларни ечиш талаб қилинади.

— Бу кенгликлар «Обод» қишлоқ фуқаролар йиғини худуди, — дейди **фермер Суннатулло Эргашев**. — Ўзимдан қиёс, раҳбарлик осон эмас. Ана, хув, наридаги 114 гектар ер хўжалигимизга тегишли. Шу ернинг сугориладиган 68 гектарида пахта, галла етиштириб келаямиз. Ҳокимни талабчан, деб эшитганимиз. Биз ҳам янги режалар ҳақида ўйлаб бошладик. Бу йил 2 гектар боғ яратмоқчимиз. Паррандачиликни ҳам йўлга қўйсақ дейман. Қаранг, анча жойини қовлаб, ҳовуз қилаяпмиз. Балайқоқамиз. Хуллас, режамиз кўп.

Суннатулло каби янги режаларни пиштаётганлар бисёр. Улар билан суҳбатлашиб, туман янада юксалишига ишондим. Аммо **Наврўз** сайли эсда қоларли бўлди. Чавандозлар елишди, кўпқарида улоқ тортишди. Туманда сара отлар кўп экан. Менга кураш мусобақаси маъқул тушди. Кенг майдонда, кураш гилами устида полвонлар куч синашди. Ҳакам **Чори Қулатовнинг** айтишича, туманда 5 спорт мактаби бўлиб, бошқа турлар қатори, 500 ёш кураш сирларини ўрганаётган экан. Шу пайт 2010 йилда Францияда ўзбек миллий кураши бўйича ўтган халқаро мусобақада совриндор бўлган **Дилфуза Мейликулова** ёдимга тушди. Айтишларича, **Наврўз** сайлида 200 дан ортиқ полвон қатнашибди.

— Қаранг, қандай соғлом, илмий ёшлар камолга етаяпти, — дейди **меҳнат фахрийси Малика Абдирасимова**. — Анча йил мактабда ўқувчиларга математика фанидан сабоқ бердим. Минглаб шоғирларим бор. Оилада 7 ўғил ва бир қизни улғайтириб, элга қўшдик. Президентимиз амалга ошираётган ишлардан қалбим фахрга тўлади, кексаларга қилаётган ғамхўрликларини айтиб адо қилолмаймиз. Илоҳим, халқимиз бахтига соғ-омон бўлсин. Ниятлари ижобат бўлиб, одамлар у кишининг ишидан рози бўлсин!..

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Фаргона вилояти ҳокими Ш.Ганиев аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказмоқда.

Халқнинг ичига кириб, унинг дарду ташвишларини тинглаш, оғирини енгил қилиш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш барча бўғиндаги раҳбар ва мансабдор шахсларнинг асосий вазифаси этиб белгиланган. Президентимиз томонидан жорий йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган бу борада мутасаддиларга янада улкан масъулият юклатмоқда.

Вилоят ҳокими очик мулоқотларда аҳоли билан юзма-юз суҳбат ўтказиб, уларнинг орзу-мақсадлари, дарду ташвишлари, фикрларини тингламоқда, таклифларини ўрганмоқда. Мавжуд қамчилик ва муаммолар ечимини юзасидан маслаҳатлашиб, маҳаллий

ҳокимиятнинг фуқаролар муурожаатлари билан ишлаши, бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ва фуқаролар фаложини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Бешарик туманида ўтказилган учрашувда мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, қурилиш ободонлаштириш, халқимиз учун янада қўлай яшаш шароити яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Очик мулоқотда электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда йўловчи ташвиш тизимини янада такомиллаштириш, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш, қишлоқ жойларда янгиланган лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши, Инвестиция дастури доирасида амалга оширилиши

режалаштирилаётган ишлар тақдироти ўтказилди. Амалий таклиф ва ташаббуслар асосида туманда тадбиркорликни ривожлантириш, янгиланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши қўламли кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда туман ҳокимлиги, маҳаллий Кенгашлар депутатлари олдида турган муҳим вазифалар таъкидлаб ўтилди.

Фуркат туманидаги очик мулоқотда маҳаллаларда ечимини кутаётган масалалар, кўча ва йўлларни таъмирлаш, электр энергияси ва сув таъминотини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Туманда жорий йилда биргина Инвестиция дастури доирасида 8 объектда 8,7

миллиард сўмлик қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Учрашувда туманда иш ҳақи, пенсия, нафақаларни нақд ҳақида тўлаш, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида тўлов терминаллари ўрнатиш, аҳолини сифатли дори-дармон маҳсулотлари билан таъминлаш каби соҳаларда олиб борилаётган зарур бўлган муҳим масалалар сарҳисоб этилди.

Вилоят ҳокими мутасадди идоралар раҳбарларига кўтарилган масалаларни ижобий ҳал этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Бундай мулоқотлар Ўзбекистон ва Дангара туманларида ҳам бўлиб ўтди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Фармон ва ижро

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясига 2016 йилда 850 мингдан зиёд чақирқ тушди. Мурожаат қилганларнинг ўттиз фоизга яқини шифохоналарга ётқизилган бўлса, қолганига уйда тез тиббий ёрдам кўрсатилди. Тизимда жохон тиббиётининг илғор услубларини жорий этиш, автотранспорт паркинни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Фармонда шошилинч тиббий ёрдамнинг замонавий, юқори технологик ва самарали тизимини шакллантириш, соҳада илмий, методологик ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, тез тиббий ёрдам фаолиятига илғор технологияларни ва иш услубларини жорий этиш борасида аниқ вазифалар белгиланди.

Шошилинч тиббиёт соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш усуллари ва технологиялари самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш асосида шошилинч тиббий ёрдам хизматларининг бошқа вазирлик ва идоралар шошилинч хизматлари билан ўзаро тезкор ҳамкорлиги самарали механизмларини жорий этиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу чора-тадбирларни ўз вақтида ҳаётига татбиқ этиш ҳар биримизнинг зиммасига алоҳида масъулият юклатмоқда.

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бугунги кунгача Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимида фаолият юритаётган эди. Фармон асосида 2017 йил 1 апрелдан бошлаб муассасамиз юридик шахс макomini сақлаган ҳолда таркибий бўлини сифатида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига бириктирилди. Бундан мақсад шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож инсонларнинг ҳаёти ва саломатлигини асраш, шифохонагача бўлган босқичда ва шифохонада тиббий ёрдамни узвий боғлиқ ҳолда ташкил этиш, тиббиёт янгилликларини чуқур ўзлаштириш ва кенг оммалаштиришдир.

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси тизимида ҳар кун бир юз олтимингдан зиёд бригада навбатчилик қилади. Яқинда станцияга 20 дан ортиқ янги «Damas» амбуланс машинаси ажратилди. 2017 йил давомида яна ўн та реанимобиль етказиб бериш режалаштирилган.

Фармон асосида тез тиббий ёрдам кўма бригадаларини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва сарфлаш материаллари билан таъминлашни молиялаштириш ҳажми 2017 йилда 2 бараварга оширилди. Чунки шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож беморнинг ҳаётини асраш, саломатлигини тиклашда чақирқ жойига ўз вақтида етиб бориш баробарида дори-дармон ва тиббий технологиялар ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Бу вазифаларни тўлиқ ижро этиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи асосида тез тиббий ёрдам хизмати дори кўтисиди бўлиши шарт бўлган дори-дармон воситаларининг рўйхати қайта кўриб чиқилди ва талаб даражасида такомиллаштирилди.

Тез тиббий ёрдам хизмати сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этакдиган яна бир йўналиш — хизмат машиналарининг замонавий алоқа воситалари билан таъминлаши. Ҳозирги пайтда барча тез тиббий ёрдам машиналарида GPS кузатув тизими жорий этилган, рақиялар ўрнатилган.

Фармонда ягона маълумотлар базаси ва маълумотларни узатиш тармоғини яратган ҳолда тез тиббий ёрдам бригадаларининг фаолиятини тезкор бошқариш ва мувофиқлаштиришни таъминловчи Марказ ва унинг худудий филиалларининг мувофиқлаштирувчи диспетчерлик хизматлари фаолиятини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Фармонга биноан, шошилинч тиббий ёрдам тизимида замонавий илмий-техник ютуқлар ва ахборот-коммуникация технологиялари янада кенг қўлланилади, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг бошқа вазирлик ва идораларнинг шошилинч хизматлари билан тезкор ҳамкорлигини таъминлаш бўйича замонавий механизмлар татбиқ қилинади, кадрларни тайёрлаш борасида илғор усуллар жорий этилади.

Бу чора-тадбирлар соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, аҳолининг тиббиёт тизимига ишончини ошириш, халқимизнинг розилигига эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Даврон СУЛТОНОВ,
Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокори.
ЎзА

Наврўз сайллари юртимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтказилди.

Спорт

МУАЙТАЙЧИЛАРИМИЗ ТЕНГСИЗ

СПОРТЧИЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Ўзбекистон терма жамоаси Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида 8 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Шоҳруз Жўраев, Аслам Ортиқов, Сирожиiddин Исмолов, Мироншоҳ Убайдуллаев, Шероз Холмиров, Шарофиддин Саъдуллаев, Суннатилло Рашидов, Шерзод Эргашев ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди.

Бобир Ҳакимов, Тоҳиржон Олимжонов, Достон Маликов, Темура Бултаков, Мадинабону Қодирова кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Умаржон Аҳмаджонов, Билолиддин Норхўжаев, Фурқат Юсупов, Миршод Жумаев шохсупанинг учинчи погонасидан жой эгаллади.

Мамлакатимиз паралимпиячилари Бирлашган Араб Амирикларининг Дубай шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро Гран-при мусобақасида муносиб иштирок этмоқда.

Эллика яқин давлатдан тўрт юздан ортиқ спортчи қатнашган нуфузли мусобақанинг ядро улоқтириш бўйича хотин-қизлар ўртасидаги баҳсида Наталья Семенова кумуш медални қўлга киритди. Эркалар ўртасида Элбек Султонов шохсупанинг учинчи погонасини эгаллади.

Мусобақа давом этмоқда. Спортчиларимиз ядро, найза ва диск улоқтириш баҳсларида ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Реклама ўрнида

«Ипотека-банк» мижозлари:

ИПОТЕКА BANK

ИШОНЧЛИ МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРИМИЗ
БОРЛИГИДАН МАМНУНМИЗ


Юртдошларимизнинг иқтисодий фаоллиги, фидокорона меҳнати эвазига «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи остида тайёрланаётган маҳсулотларга дунё бозорларида талаб ортиб бормоқда. Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги тadbirkorлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони бу борада янги имкониятлар яратди.

Зеро, мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг барқарор суръатлари сақланиб қолаётгани, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошаётганлиги, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик тараққиёти билан чамбарчас bogliqdir.

«Ипотека-банк» ҳам мазкур соҳани жадал ривожлантириш учун 2016 йилда 1 039,8 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтирди ва натижада қарийб 18 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу ҳудудларда тadbirkorлигининг ривожланиши билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашдек муҳим масала ҳам ечим топаётганлигини билдиради.

Бугун «Ипотека-банк» молиявий қўмағидан ўз фаолиятини йўлга қўйиб, меҳнатидан барака топаётган **Чиноз тумани, Янгиҳаёт қишлоғида яшовчи Дилшод Давлатов** шундай дейди:

— Банк ходимлари ҳар бир хонадонга ташриф буюриб, кредит турларини таклиф этаётганлигини алоҳида эътироф этиш керак. Ҳар бир оиланинг орзу-умидлари ушалмоқда, десам тўғри бўлади. Ўзимдан қиёс: шароитимдан келиб чиқиб «Ипотека-банк» АТБнинг Чиноз филиалидан жорий йил январидан 6 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олдим. Сармоя ҳисобига иккита қорамол сотиб олиб, оиламизнинг сут-қатикча



бўлган эҳтиёжини қондириш билан бир қаторда қўшимча даромад манбаига ҳам эга бўлдим. Келажакда «Ипотека-банк»нинг мақсадли сармояларидан унумли фойдаланиш ниятидамиз.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан bogliq инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш, ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, қишлоқ ҳудудларида барча қўлайликларга эга бўлган янги ва замонавий уй-жойлар қуриш қўламини тобора кенгайиб бормоқда. Ҳар бир юртдошимиз қалбидан яратувчанлик туйғулари жўш ураётганлиги қатор соҳаларда ўз аксини топмоқда.

— «Ипотека-банк»нинг бизни молиявий қўллаб-қувватлаб, режалаштирган лойиҳаларимизни ҳаётга татбиқ этишда яқиндан қўмақ бераётганидан хурсандимиз, — дейди **Пайриқ туманининг Равот қишлоғида яшовчи Наргиза Исмоилова**. — Асаларичиликни ривожлантириш иқлим шароитимизда ниҳоятда даромадли иш ҳисобланади. «Ипотека-банк» Самарқанд вилоят филиали бошланғич сармоясидан унумли фойдаланиб, асаларичиликни йўлга

қўйишга эришдик. Ҳозирда йилига ўртача 400-450 кг шифобахш асал олиб, элимиз дастурхонини бойитмоқдамиз. 10 та қўшимча янги иш ўрни ҳам яратдик.

«Ипотека-банк» томонидан аҳолига таклиф этилаётган кредит турлари ўзига хослиги билан ҳам ажралиб туради. Бунда ҳар бир хонадон имкониятидан келиб чиққан ҳолда ёндашилиб, керакли тавсиялар, бошланғич кўникмалар бериб борилмоқда. Мақсадли сармоялар эвазига ўзига қўшимча даромад манбаи яратаятган юртдошларимиз орасида **самарқандлик Ўктам Абдиев** ҳам бор.

— Хонадонимизга «Ипотека-банк» ходими келиб, мамлакатимизда аҳолини тadbirkor қилиш бўйича мақсадли тadbirkorлар ташкил этилаётгани ҳақида батафсил сўзлаб берди ва фикрим билан қизикди. Натижада бизнес-режа тузиб, 7 миллион сўм кредит олдим.

Кредит ҳисобига томорқамда мўъжаз иссиқхона ташкил қилиб, бодринг, помидор етиштиришга киришдим. Оиламизга барака кирди. Ишончли молиявий ҳамкоримиз борлигидан мамнунмиз.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

**«ҚОРАҚАЛПОҚ
ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ
КОРХОНАСИ»**

акциядорлик жамияти жамоаси

ватандошларимизни
НАВРЎЗ АЙЁМИ
билан табриклайди!

Хизматлар лицензияланган.

«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти тизимидаги


«XORAZM HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI»

акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан муборакбод этади!



Хизматлар лицензияланган.

«ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»





унитар шўъба корхонаси жамоаси

*юртдошларимизни,
нефть-газ
соҳаси ходимларини*

**НАВРЎЗ
БАЙРАМИ**

билан табриклайди!



Маҳсулотлар сертификатланган

«ШҮРТАН ГАЗ-КИМЁ» МЧЖ МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ



*халқимизни
Наврўз байрами билан
муборакбод этади!*

Маҳсулотлар сертификатланган.

«Ўзпахтасаноатхолдинг» компанияси ва «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти тизимидаги

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ

«БЎСТОН ОЛАМИ»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**ҳамюртларимизни
НАВРЎЗ ШОДИЁНАСИ
билан қутлайди!**



Маҳсулотлар сертификатланган.

Ҳалима Худойбердиева:

ҲАЁТ — БЕБАҲО НЕЪМАТ



— Сиз ҳаётнинг кўп синовларидан мардона ўтган аёлисиз, шоирасиз, онасиз. Шу боис суҳбатимизни ҳаёт ҳақидаги фикрларингиз билан бошласак, дегандим. Бир шеърингизда айтгансиз:

Тўрт ёндан қарасанг,
тўрт турлик ҳаёт,
Йигласанг, қувонсанг,
арзирлик ҳаёт...

Инсон учун ҳаёт фалсафаси, ҳаёт сабоқлари нималардан иборат, деб ўйлайсиз?

— Раҳмат, қизим. Баҳор барчамизга муборак бўлсин!

Албатта, ҳаёт — бебаҳо неъмат. Ҳаётга келдингми, уни шунчаки яшаб ўтишинг керак эмас. Ортингдан из қолиши, ҳалол меҳнат қилиб, яқинларингга яхшилик, меҳр улашиб яшашинг керак. Инсон умри давомида ўз ҳаётдан, атрофдагилар ҳаётидан, умуман ҳаётнинг ўзидан сабоқ олиб ўтади. Болалиқдан бошлаб кўрган кечирганларимиз, ҳаётимизга мазмун бериб, бир-бирини тўлдириб келавераркан.

Кечагидек ёдимда, беш-олти ёшдаги қизалоқ эдим. Уйимизда отамнинг дўсту биродарлари ҳафтада, ўн кунда тўпланиб, китобхонлик қилишарди. Достону қасидаларни асосан отам ўқирди,

Баҳор ўлкамизга яшиллик, кўнгилларимизга илиқлик олиб келади. Бутун олам чирой очаётган бундай хуш дамда қалбимизда ажиб туйғулар мавж уради. Бу — соғинч, бу — меҳр, бу — ҳаётга муҳаббат, бу — қадр!

Кўклам — байрамлар дебодаси. Халқимиз шу кунларга етказганига шукр айтиб, бир-биридан хабар олади, қўтлайди, эзгу тилаклар билдиради. Шу ниятда Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА хонадониди бўлиб, баҳор байрамлари билан қўтладик, ижод ва ҳаёт ҳақида суҳбатлашдик.

кироати чиройли эди. Пайт пойлаб, мен ҳам уларнинг ораларига кириб олардим. Улар ўзларининг суҳбатлари билан машғул, менинг ҳаёлим эса отам ўқиётган достонда бўларди. Воқеалар тасвирини кўз олдимга келтириб ўтирардим. Ҳазрати Али миниб кетаётган отининг ёлларига ча бола шурумда намоён бўларди. Буларнинг барчаси менда китобга, адабиётга, шеъриятга, ёзишга иштиёқ, меҳр уйғотди.

Ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзасини қадрлаш, уни мазмунли ўтказишга ҳаракат қилишда устозларимиз, ўқитувчиларимизнинг бизга берган таълим-тарбияси, ўғитлари ҳам муҳим рол ўйнайди, деб ҳисоблайман. Биз улардан миннатдор бўлишимиз керак.

— Қадим ҳаёт йўлларида Кўпдир зоти — аёл, бас. Тўмариснинг қўлларидан Тўғ олмаган аёлмас...

Бу сатрларингизни бугун шарҳлаб, нималар дейишингиз мумкин?

— Аёл зотига баҳони «Жаннат оналар оёғи остидадир», хадисининг ўзиданоқ чуқур ағлашимиз мумкин. Аёл — бу фидойилик, аёл — бу гўзаллик, аёл — бу туганмас меҳр! Буларнинг барчасини ўзбек аёллари

тимсолида кўришимиз мумкин. Жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасида бугун хотин-қизлар ўз фалонликлари, ташаббусларини намоёни қилишяпти. Уларнинг ютуқларини кўриб ҳавасингиз келади. Болаларини ўқишга, ёрини ишга меҳр билан қўзатаётган келинларимни кўриб қувонаман. Ўзбегимнинг аёли шундай: ўзидан олдин турмуш ўртоғини ўйлайди, ўзидан олдин фарзандларининг ҳаёти учун қайғуради. Жуфтга қанот бўлади.

Авалги замонлар билан таққослаганда, бугун хотин-қизларнинг меҳнати қадрланаётгани, аёл зоти улугланаётганини ҳис қиламиз. Улар учун яхши шароитлар яратилляпти. Аёл тадбиркор бўладими, ўқитувчи, шифокорми, ҳамма-ҳаммаси давлатимизнинг ғамхўрлиги, эътиборида.

— Ҳар бир ижодкорнинг қурби, услуби, асосий мавзуси ҳар хил бўлади. Ижодга муносабати ҳам. Бир шеърингизда шоир масъулияти ҳақида жуда юксак талаб қўйгансиз:

Шунчаки ёзмоқчи, кўнгил тўлмайди,
Шунчаки ёзмоқча бормаиди кўлим.

Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди.

Шунчаки ёзмоқ бу — шоирга ўлим!

— Шоир қандай бўлмоғи, қандай яшамоғи керак?

— Шоирлик Оллоҳнинг инъоми. Демакки, у шунчаки яшамоғи, шунчаки сатрлар қораламоғи мумкин эмас. У халқ дарди билан яшаши, ёниб-қуйиши керак. Ўз дардини бошқаларда ҳам кўрса, у ёзади. Бошқаларнинг андуҳини, кўнгил огрикларини ҳис эта олса, у ёзади. Шоир ўзгаларнинг-да ҳасратли, қувончли кўнларига бефарқ қарай олмайди. Ўтли сўзлари, теран фикрлари ила қалбларда ҳаётга, Она Ватанга муҳаббат ҳиссини алангалатиб яшайди. Бўлиб ўтган, ўтаётган ҳар бир жараёнлар унинг юрак торларига акс садо беради.

Ватан ҳақида ёзмаган шоир дунёда йўқ. Аммо сизнинг Ватан ҳақидаги сатрларингиз самимийлиги, табиийлиги, гўзаллиги билан кишини ҳажжонга солади, чуқур ўйга толдиради. Масалан, «Бу Ватан...» деб номланган шеърингизда шундай сатрлар бор:

Мен Ватан сўзини қандай нафас билан айтаман.

Бу йўлда қайдан бошлаб, қай нуқтадан қайтаман.

Ватанин шеърини сатрларсиз қандай таърифлаш керак?

— Чиндан ҳам, Ватан сўзини таърифлашга қалам-да, тил-да ожиз. Ватан ўз номи билан Ватан! У — биз туғилган тупроқ, бизни ардоқлаган маскан, бизга меҳр улашган замин! Ҳеч иккиланмай жон фидо қилишга арзирлик гўша! Уйимиз — Ватан, оиламиз — Ватан, ҳатто уриб турган юрагимиз-да Ватандир. Унга бўлган меҳримизнинг поёни йўқ. Унга аталган изҳорларимизнинг нисбати йўқ. Уни фақат севиш ва қадрлаш керак!

— Ёш ижодкорларни фидойиликка, халқ дарди билан яшашига ундаб келасиз. Ёш шоирлар, шогирдларингиздан бугун нималар кутяпсиз?

— Ҳали айтиб ўтганимдек, ижодкорлик — фидойиликдир. Шоирлик ўзни унутиш, ўзгалар дарди билан яшаш, дегани. Ёш ижодкорларни қўзатиб бораман. Уларнинг кўпчилигида ана шу зийраклик, дардқашлик ва халқона оҳанглари кўраман. Мен улардан ўзимдан қўзатиб бораман кутаман: яъни шиддат, завқ ва ҳайрат... Юраклари ҳамиша тўғён уришини, кўнгил дарёлари тўғён кўтаришини, сўзлари ўтли, қалами ўткир бўлишини истайман. Ватанга, жамиятга, халқига нафи тегсин, дейман!

— Қалбларда баҳор ўйлари... Байрамлар шукри тўлиб-тошган шу кунларда юртдошларимизга қандай тилаклар билдиришни истайсиз?

— Яна сенга етарганим ёки йўқ, Кўкламоим кўнгилдан бер, бир чимдим...

Кўклам келганда Муҳаммад Юсуфнинг ушбу мисралари дамо дам кўнглимизга ажиб ҳис-туйғулар солади. Шундай сатрларни ёзган халқона, сеvimли шоирларни эслатади бу фасл. Қалбларимизда яшариш, ишонч, меҳр туйғуларини уйғотади бу фасл. Илойим, шу фасл юртимизга, барчамизга, айниқса, баҳор чечакларидек гўзал аёлларимизга ўзининг ёқимли, иссиқ ҳаволари билан иссиқ дийдорли бахтларини олиб келсин! Аёллар ҳамиша кўклам чечакларидай чарақлаб юрсин.

— Охири ёзган шеърларингиздан айримларини газетамиз учун тақдим этсангиз, хурсанд бўлардим...

Ҳалима опа кўлбозмаларини кўздан кечириб, бизга икки шеърини тақдим қилди.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Гулрух ОДАШБЕКОВА суҳбатлашди.

БАТАНГА АРЗИЙСАН

Толиққанлар кўксингда бургутларинг,
Ўчиб бўлган гуриллаган ўтларинг.
У қақирса... зумда чўғлана олсанг,
Шунда, шунда сен Ватанга арзийсан.

Шон бермоқ-чун бир парча чўл, ё тоққа,
Жон бермоқ-чун шу Ватанни олмоққа,
У қақирса... зумда ўқлана олсанг,
Шунда, шунда сен Ватанга арзийсан.

Бир кун қабрда ётсанг ҳамки поймолсан,
Тени минг йилдан бўён
Севамани, билмайман,
Чоҳу чангалзорлардан бирга ўтган сен бўлдинг.
Аёлми ё юк ортган теваганим, билмайман,
Мендан олдин юкларга елка тутган сен бўлдинг.

МЕНДАН КЎНГЛИНГ РОЗИМИ?

Биз бир-биримиз учун тушган эдик кўклардан,
Эгилмадингми, жоним, елкадаги юклардан?!

Яхши хотин бўлмам,
Баъзан қўлмай иложин
Боқсам, кийган кўйлагинг русумдан чиқаёзган.
Кўз ёшимдан сув сеппиб, супурги қилиб сочи
Йўлларинг супурганим эсимдан чиқаёзган.

Рўхингга кирмай ўзга олам билан оввора,
Болам билан оввора, қалам билан оввора.

Эсли хотин бўлмам,
Эсларингни оғдирдим,
Зўр ишлар қолиб, рўзгор икки-чикирларига.
Бўлар-бўлмасга кўз ёш жолаларим ёғдирдим,
Армонлар кетган чиқар кўнгил чуқурларига.

Тоқатингга тош отсам, симлар қоқиб ишингга,
Унутган аёлларинг кирмадимми тушингга?!

Ёрижон-а, денгизда кемамизнинг сардори,
Мендан олдин гўдаклар кўзларингдан ўқдимми?
Сенга юрак дориси топиб қўйдим, зўр дори,
Уни аввал мен, кейин Сен ичасан, бўптими?

Авал бир-бирова гул илинарди. Гул пайти,
Энди дори. Ишқилиб, илинмай кун ўтмайди.

Мен ўзимдан норози. Сенинг кўнглинг розими?
Айт, эй кўнглимнинг ёзи, сенинг кўнглинг розими?
Сенга айтар гапимни ёз десам кўлларимга,
Минг бир қайтариб ёзди. Мендан кўнглинг розими?

Суюки ёрар оҳим, мендан кўнглинг розими?
Бошимдаги паноҳим, мендан кўнглинг розими?..

Реклама ва табриклар

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни Наврўз —
умумхалқ байрами билан қўтлаймиз!

Фурсатдан фойдаланиб, янги омонат турларини таклиф этамиз.

Миллий валютада:

“Наврўзи олам” — омонатга маблағлар 12 ойдан 24 ойгача қабул қилинади;
“Кўклам” — омонатга маблағлар 3 ойдан 6 ойгача қабул қилинади;
“Бойчечак” — омонатга маблағлар 1 ойдан 3 ойгача қабул қилинади.
“Нафосат” — омонатга маблағлар 6 ойдан 12 ойгача қабул қилинади.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

“Стимул” — омонатга маблағлар АҚШ долларида, 1 ойдан 3 ойгача қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкнинг ўша кунги курси бўйича
миллий валютада тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.


Мурожаат учун:

(+998 71) 150-72-58, 150-39-93.

www.qqb.uz

“Қишлоқ қурилиш банк” —
фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

«ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»
акциядорлик жамияти жамоаси

Хирмонингиз донга, хонадонларингиз
қувонч ва файз-баракага тўлаверсин!

Маҳсулотлар сертификатланган.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bo'sma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338

17662

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 23:10

Topshirilgan vaqti — 02:10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

172010763004

1 2 3 4 5